



# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди – бир тарихий давр нихоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири – глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, “блокларга мансублик” стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишни ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда.

Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларни янада кескинлаштирмоқда.

Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф томонларини янада яққолроқ кўрсатиб бермоқда. Бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита таъсир қилган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда.

Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро қамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишининг яққо ягона йўли

мас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Бугунги кунга келиб, ШХТ ҳамжамияти – улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қариб ярмини бирлаштирган дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир.

ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибдорлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қуйидаги тамойилларда намоён бўлмоқда: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришдадир.

ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик



Бизнинг асосий ширимиз – “**Хар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади**”. Уни амалда рўёбга чиқариш йўлида Ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорларимиз учун янада жозибдор бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилдик.

Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишининг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди.

Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги юртимизда кейинги олти йилда амалга ошириб келинаётган фаол ва очиқ ташқи сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди. Бу сиёсат, энг аввало, ШХТнинг географик ўзаги бўлмиш, бугунги кунда яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ижобий ва ортага қайтмас жараёнлар рўй бераётган Марказий Осиё минтақасида амалга ошмоқда.

ШХТга аъзо барча давлатлар – энг яқин қўшниларимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиздир.

Ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар берди.

Шунга ишончим комилки, бугун ШХТ доирасида шаклланган мана шундай ижобий ва муваффақиятли тажрибадан Афғонистонни ривожлантириш масаласида ҳам фойдаланиш

қарама-қаршиликларда буфер ролини ўтаб келган Афғонистон эндиликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажаришдек янги тинчлик миссиясида ўзини намоён этмоғи лозим.

Бундай ўзаро манфаатли минтақаларо ҳамкорликнинг намунавий рамзи сифатида Трансафғон коридорининг қурилиши лойиҳасини айтиш мумкин. Шунинг ҳам англаш муҳими, “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўли каби кўшма инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш орқали биз ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация вазифаларини ҳал этишга қолмасдан, минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшишимиз мумкин.

Ўзаро позицияларимизни ақинлаштириб, тинч, барқарор ва фаровон Афғонистон учун ШХТнинг янги кун тартибини биргаликда ишлаб чиқа олишимизга аминман. Шундангина том маънода барқарор ва изчил ривожланаётган, яхлит хавфсизликка эга бўлган ШХТ маконини барпо эта оламиз.

## “САМАРҚАНД РУҲИ” – ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

Савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларининг жиддий узилишига олиб келган уч йиллик “пандемия танаффуси”дан сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур.

Буюк Ипақ йўлининг дурдонаси бўлган қадимий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлакатаи етакчиларини Ташкилотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва раванқига хизмат қиладиган янги ва илғор тақдир ҳамда ташаббуслари билан қутиб олишга тайёр.

Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Самарқанднинг шонли тарихий мероси бунга хизмат қила-

ди ва санъат, инсоний ғоялар устувор бўлган жойда эзуликлар кўпаяди, халқлар фаровон ва ўзаро аҳил яшайди.

Бугун замонавий ва жадал ривожланаётган инфратузилмаларга эга бўлган Самарқанднинг бундай ноёб жиҳатлари уни минтақавий ва глобал хатарларни биргаликда муҳокама қилиш, бу борада зарур ечимларни излаб топиш учун энг қулай ва мақбул майдонга айланмоқда.

Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорики, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда.

Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айтаемизки, ШХТнинг Самарқанд саммити **умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги** ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Самарқанд ташқи сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муроСага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади.

**Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб қўринадиди. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмунини ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.**

**Аслини олданда, “Самарқанд руҳи” бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишда туртки берган “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдирди туради.**



– конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзаро ишонч тор доирадаги манфаатларини устувор қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилдир. Айнан шундай ёндашув замонимизнинг долзарб муаммоларини баҳам-жиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

## МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ

Барчанин ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян қамчиликларга қарамадан, улар минтақавий ва глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинуви рағбатлантиришга ёрдам беради.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажрал-

ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибдор маконга айланиши лозим.

Шу сабабли ҳам ШХТ фаолиятига қўшилиш истагидаги давлатлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу тенденция халқаро ва минтақавий муносабатлар тизими трансформация жараёнини бошидан кечираётган бугунги шароитда яққол кўзга ташланмоқда.

ШХТ маконидagi давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар яппи икки махсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қариб чорак қисминини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий Ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради.

Янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сонининг кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишларини илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. Бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТДАГИ РАИСЛИГИ: БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган, асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди.

ўта муҳим ва долзарбдир. Шак-шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмағига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Афғонистонда биргаликда ёрдам қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиш берилган маънавий бурчимиздир.

Асрлар давомида глобал миқёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги

ди. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.

Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билмилар “қайнаган” макон бўлиб, бу масқанда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечирishi каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган. Бу табаррук заминда яшайдиган ҳар бир одам, яхши қўшни – бу Худо инсонга ато этган бахтнинг бир бўлаги эканини, тинч-тотув қўшничилик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган. Зеро, ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-

Шу сабабдан аминимизки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз – Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажақ кун тартиби шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно мужассам.

Ишончимиз комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажақ саммитида қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



# САМАРҚАНД ДУНЁ АҲЛИ НИГОҲИДА БЎЛАДИ

**Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асадов иштирокида брифинг ўтказилди.**

Унда давлат раҳбари иштирокида жорий ҳафтада ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

– Шубҳасиз, нафақат ҳафтанинг, балки бутун йилнинг энг муҳим сиёсий аҳамиятга эга тадбири – 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг йигирма иккинчи мажлисида, – деди Ш.Асадов. – Тадбирда 8 та аъзо мамлакат – Ўзбекистон, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, 3 та кузатувчи мамлакат – Беларусь, Эрон, Мўғулистон ва 4 та меҳмон сифатида таклиф этилган мамлакат – Туркия, Озарбайжон, Турманистон, Арманистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этади.

Шунингдек, саммитда катнашиш учун БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), ЮНЕСКО, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч қоралари бўйича кенгаш каби халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилган.

Авал ташкилотга аъзо давлатлар етакчиларининг тор доирада мажлиси, сўнг барча делегациялар иштирокидаги кенгайtirилган йиғилиш бўлиб ўтади. Шу билан бирга, саммит доирасида икки томонлама учрашувлар ҳам кўзда тутилган.

Мазкур ташкилот доирасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сийосатидаги устувор йўналишлардан бўлиб, кейинги беш йил давомида Ўзбекистон Президентини томонидан ШХТ саммитларида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновация ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик самарадорлигини оширишга доир 54 та ташаббус илгари сурилган таъкидланди. Шулардан 33 таси ҳаётга татбиқ этилган бўлса, 17 таси Самарқанд саммити давомида амалга оширилиши кутилмоқда. Қолган 4 таси ташкилотга аъзо мамлакатлар билан биргаликда ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда мазкур ташкилотга раислиги даврида барча ҳамкорлик соҳаларида 80 дан ортиқ тадбир муваффақиятли ўтказилди. Саммит пандемиядан сўнг илк бор барча аъзо давлатлар, кузатувчи ҳамда меҳмон сифатида таклиф этилган мамлакатларнинг тўлиқ иштирокида юзма-юз форматда ўтказилаётганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Саммитда имзоланган 30 дан ортиқ ҳужжат тақдим этилиши режалаштирилган.

Самарқанд саммитининг асосий мақсадларидан бири ШХТ оиласини янада кенгайтириш масаласидир. Давлат раҳбарлари кенгаши доирасида ШХТга аъзолик мақомини олиш учун Эрон Ислон Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши кутилмоқда.

Тадбирда қабул қилинадиган муҳим ҳужжатлардан бири – бу Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлари ўртасида узок муддатли яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича кенг қамровли режадир.

Ушбу стратегик аҳамиятга эга ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ШХТга аъзо барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган.

Бундан ташқари, ШХТнинг кузатувчи ва мулоқот бўйича ҳамкорлар аъзолигини кенгайтириш тўғрисидаги қарори қабул қилинади.

Саммитнинг асосий ҳужжати бу – аъзо мамлакатларнинг энг муҳим минтақавий ва глобал муаммолар бўйича муҳим аҳамиятга эга ҳужжатларнинг ўз ифодасини толган Самарқанд декларацияси. Унда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича кўшма ёндашувлар белгилаб берилган.

Шунингдек, Самарқанддаги саммит доирасида ШХТ билан Араб давлатлари лигаси, БМТнинг иқтисодий ташкилотлари – ЭСКАТО ва ЮНЕСКО ўртасида ўзаро аниқлаш меморандумларини имзолаш режалаштирилган.

Ш.Асадовнинг қайд этишича, давлатимиз раҳбари саммит доирасида бир қатор делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказилади, улар билан ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 14-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Самарқанд шаҳрида олий даражадаги икки томонлама музокаралар бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ва Хитой етакчилари халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар. Учрашув якунида Қўшма баёнот ва салмоқли қелишувлар тўпلامини имзоланган кўзда тутилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг таклифи биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 15-16 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд шаҳридаги саммити доирасида ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг таклифи биноан Эрон Ислон Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ҳам 14-16 сентябрь кунлари мамлакатимизга расмий ташрифини амалга оширади.

Шунингдек, брифингга бугун маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган ва муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилгани қайд этилди.

**Ғ.ҲАСАНОВ.**

# КЎҲНА КЕНТНИНГ БОЙ ТАРИХИЙ МЕРОСИ

ШХТ саммити фонида янги тўлқин ҳосил қилмоқда

**Ўзбекистон яна дунё ҳам-жамияти нигоҳида бўлиб турибди. 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳри йирик сиёсий халқаро тадбир – ШХТнинг навбатдаги саммитига мезбонлик қилади.**

Мазкур саммит ва умуман, ШХТ фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки хусусида куйидаги муҳим жиҳатларни кўрсатиш лозим.

**Биринчидан**, ШХТ саммитининг айнан Самарқандда ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга. Маълумки, Самарқанд ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим, санъат ва маданият ўчоғи, савдо-иқтисодий алоқаларнинг муҳим кескишига нуктаси бўлган. Яна бир диққатга сазовор жиҳат. Самарқандда ўша даврда ўрта асрларга хос бўлмаган ноёб архитектура намуналари бунёд этилган. Шу билан бирга, ушбу шаҳар кўлаб тарихий, йирик ижтимоий-сиёсий жараёнларга гувоҳ бўлган. Шу маънода айтиш мумкинки, Самарқанднинг бой тарихий мероси бугун ШХТ саммити фонида янги тўлқинга эга бўлмоқда. Ва у ШХТнинг асосий кадрлари, тамойилларига тўла мос келади. Яъни, ўзаро манфаат, тенг ҳуқуқлилик, ташкилотга аъзо давлатлар маданиятларининг турличалиги ва унга нисбатан ҳурматнинг мавжудлиги.

2001 йилда ЮНЕСКО томонидан Самарқанднинг бутунжаҳон мерос объекти ва маданият чорраҳаси дея эълон қилиниши ҳам мазкур шаҳарга бўлган юқори эътирофдир. Бундан ташқари, АҚШнинг йирик оммабоп интернет нашрларида бири бўлган "The Huffington Post" Самарқандни саёҳат учун бориш керак бўлган дунёнинг 50 та шаҳри қаторига киритган.

**Иккинчидан**, Самарқанд



саммити ШХТнинг учинчи ўн йиллик қадам қўйишини бошлаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Маълумки, Ўзбекистон ушбу йирик ташкилотнинг асосчиларидан, муассисларидан бири ҳисобланади. Ўтган тарихан қисқа вақт мобайнида ШХТ глобал дунёда ўзининг "профили"ни очишга муваффақ бўлди. Ташкилот халқаро муносабатлар тизимида, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлди.

ШХТ ташкил қилинган 2001 йилда кун тартибидagi асосий масалалардан бири хавфсизлик эди. Бугунги кунга келиб, ташкилот фаолиятида қамраб олинмаган бирон-бир вазифани топиш қийин. Бу сиёсат, иқтисодиёт, тиббиёт, транспорт, савдо, маданият, фан-таълим, маданий-гуманитар алоқалар ва ҳоказо. Бу ҳам бўлса, ташкилот кўлами ва миқёси кундан кунга ортиб бораётганидан далolat.

Рақамларга қарайдиган бўлсак, ШХТга аъзо давлатлар ҳудуди 34 миллион километр квадрат бўлиб Евроосиё ҳудудининг 60 фоизини ташкил қилади. Аъзо давлатларда дунё аҳолисининг деярли ярми (3.4 миллиард) истиқомат қилади. Умумий ЯММ ҳажми эса жаҳон иқтисодиётининг қарийб тўртдан бири – 22 фоизни ташкил қилади.

Муҳими, Ўзбекистон қандайдир перифериядаги давлат сифатида эмас, балки бу жараёнларнинг фаол иштирокчиси, ташаббускори сифатида гавдаланмоқда. Бунда шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўрни беқиёс. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташкилотнинг 2020 йилдаги саммитидagi нутқида билдирган муҳим фикрни, таъбир жоиз бўлса, "чақирув"ни келтириб ўтиш лозим. Яъни, **"агар ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ ҳам кучли бўлади"**.

ШХТнинг амалдаги Бош котиби Чжан Мин фикрича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу фикри Ўзбекистоннинг ташкилотдаги фаолияти ва конструктив позициясини тўла очиб беради.

**Учинчидан**, сўнгги йилларда Ўзбекистон томонидан ташкилот доирасида кўплаб муҳим таклиф, ташаббуслар илгари сурилди. Шу ўринда муҳим бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Ўзбекистонда ШХТга раислик қилган ўтган бир йил давомида катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Яъни, факатгина саммитни ўтказишга тайёргарлик билан чекланиб қолинмади. Бир йил давомида турли соҳа ва йўналишларда кўплаб учрашувлар ташкил қилинди. Бу фестиваллар, санъат ва маданият вакилларининг

учрашувлари, туризм соҳасидаги тадбирлар, спорт мусобақалари ва яна қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг учрашувларини ўз ичига олади. Бутун йил давомида "Шанхай руҳи" мамлакатимизда бўлди, десак муболаға бўлмайди.

**Тўртинчидан**, маълумки, Тошкентда ШХТнинг муҳим 2 та бўғини, рамзий маънодаги қаноти бўлган – **Минтақавий аксилтерор тузилмаси ва Халқ дипломатияси маркази** фаолият юрлатади.

Бежизга бу иккала тузилмани муҳим демааяпман, сабаби, уларнинг фаолияти ўзаро тўлдирувчан ва узвий боғлиқ. Янада аниқроқ айтганда, хавфсизлик таъминланмаган жойда халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, алоқалари рисоладагидек бўлмайди. Ўз навбатида, халқлар ўзаро яқинлаша, маданий-гуманитар алоқалар ривожланса, муайян маконда кескинлик ҳолати юзага келмайди. Шу нуқтаи назардан, мазкур тузилмаларнинг Ўзбекистонда жойлашганлиги мамлакатимизнинг ташкилотдаги ўрни ва нуфузи юқоридалигидан далolat беради.

**Бешинчидан**, Самарқанд саммитида биз ШХТнинг тарихий жараёнларига гувоҳ бўлишимиз. Бу нафақат ташкилотнинг географик жиҳатдан кенгайиши билан боғлиқ, балки маданий-гуманитар, савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Умуман олганда, Самарқанд саммити ШХТнинг тарихий солномасидан муҳим ўрин эгаллайди ва шубҳасиз, ташкилот фаолиятининг янги ривожланиш босқичига ўтиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори (PhD).**

## Анжуман доирасида маданий тадбирлар

**15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити арафасида меҳмонлар ва шаҳримиз аҳолисини бой тарихий ва маданий меросимиз билан таништириш мақсадида маданият ҳафталиги бўлиб ўтапти. Ундан бир қатор маданий ва кўнгилочар тадбирлар ўрин олган.**

Вилоят туризм ва маданий мерос бош қармаси ҳамда маданият бош қармаси томонидан музей, театр ва бошқа маданият ва маърифат марказларида турли кўргазмалар, янги фильмлар ҳамда спектакллар намойиши режалаштирилган.

Хусусан, 13-17 сентябрь кунлари Ўзбекистон маданияти тарихи музейида "Ўзбекистон – дунё маданиятлари чорраҳасида", Афросиёб – Самарқанд шаҳар тарихи музейида "Ипак ва Буюк Ипак йўли: Ханжоудан Самарқандгача" ҳамда Улқашунослик музейида "Самарқанд – дўстлик, ҳамкорлик, тижорат, маданият шаҳри" каби кўргазмалар ташкил этилади. "Нурафшон" санъат саройида "Самарқанд – Нурафшон" миллий эстрада гуруҳининг "ШХТ нигоҳида" номли концерт дастури, Амир Темуր мақбарасида "Соҳибқирон", Мирзо Улуғбек расадхонасида "Мирзо Улуғбек" театрлашган композициялари, "Эл мероси" театрида "Буюк Ипак йўли чорраҳасида" спектакллари кун давомида учта сеансда намойиш этилади.

Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлинмаси томонидан "Family Park" савдо-кўнгилочар марказида "Самарқанд сайқали", "Ёшлик" истироҳат боғида "Шашмақом" ашула ва рақс ансамблининг "Самарқанд ушшоғи" каби концерт дастурлари ташкил этилади.

**Сулаймон МАРДИЕВ.**



## Аллодалар меросига ҳурмат

Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчасида қомусий олим Абулқосим Фирдавсий майдони очилди

**Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев, вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Н.Ибрагимов, адабиётшунос олим М.Муҳиддинов ва бошқалар Президентимизнинг ташаббуси билан вилоятимизда кейинги йилларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётганини таъкидлади.**

– Фирдавсий кўчаси ва бу ердаги тарихий Панжоб мадрасаси таъмирланиши халқимиз маънавий меросини асраб-авайлаш борасидаги ишларнинг ёрқин ифодаси бўлди, – деди вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ташаббускорларидан бири Н.Ибрагимов. – Бу ерда мавжуд 24 та хонада форс, араб ва инглиз тилларини ўқитиш, миллий либослар, каштачилик, бичиш-тиқиш, ипак гилами тўқиш, заргарлик, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, мусиқа асбоблари ياسагача ўқитиш ва ўргатиш, кутубхона ва мадраса тарихи музейи, китоблар ва шу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси фаолияти йўлга қўйилди. Бинода махсус музокаралар ва учрашувлар ўтказиш хонаси ташкил қилинди ҳамда "Ўзбекистон-Эрон дўстлик жамияти"нинг иши фаоллаштирилди. Ҳомийлар кўмағи

билан мадраса биносига туташ "Панжоб" масжидида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, мадраса атрофидаги айрим бино ва иншоотлар бошқа жойга кўчирилиб, кўркам майдон ташкил этилди ва шу пайтгача мадраса ховлисига бўлган Абулқосим Фирдавсий хайкали ушбу майдонда ўрнатилди.

Фирдавсий номи билан аталувчи 3,2 километр масофадаги кўча тўлиқ таъмирланиб, асфальт ётқизилди, пиёдалар йўлаклари, сув қувурлари, электр ва алоқа тармоқлари тартибли келтирилди, тунги ёриткичлар ўрнатилди, светофор тармоқлари янгиланди, йўл бўйлаб гулзорлар яратилди.

Тадбир иштирокчилари мадраса ва масжидда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

## Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари ташрифи



**Пойтахтимизда ўтказилган Парламентлараро иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг навбатдаги саммити хорижий иштирокчилари 10 сентябрь кунин Олий Мажлис Сенати раиси Т.Норбоева ҳамроҳлигида Самарқандга келди.**

Меҳмонларни темир йўл вокзалида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов кутиб олди. Самарқанд билан танишиш "Буюк ипак йўли" халқаро туризм марказидан бошланди. Шунингдек, меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги бетақор тарихий обида ва мажмуаларни томоша қилдилар.

– Саммитда аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларга нисбатан турли нотўғри қарашларнинг олдини олиш масалалари бўйича қизгин муҳокама қилинди, – деди Словения парламенти раиси Уршка Клакочар Зупанчич. – Ҳар бир давлатнинг бу борадаги амалий ҳаракатлари юзасидан ўзаро таъриба алмашидик. Қадим ва бетақор Самарқанд саёҳати эса унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғи саналиб, статистик маълумотларга кўра, тизимда 3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди. Иқтисодиётнинг "драйвер"и бўлган маъмурият соҳалари ривожини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

# ТАРАҚҚИЁТНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БЕЛГИЛАЙДИ



Соҳани ривожлантириш аввало, мутахассис кадрлар тайёрлаш билан амалга оширилади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 31 мартдаги қарори асосида Самарқанд ветеринария медицинаси институти негизда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ташкил этилди. Университет ветеринария медицинаси, ветеринария ва санитария экспертизаси, ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари, ветеринария фармацевтикаси, зооинженерия, ветеринария биотехнологияси, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч давлат олий таълим муассасаси сифатида қайтадан ташкил этилди. Халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, ветеринария клиникаси, ўқув ва илмий лаборатория, ўқув-тажриба хўжалиги, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш асосий мақсад ва вазифалар сифатида белгилаб олинди. Ўтган уч ой мобайнида янги ташкил этилган университетнинг биринчи стратегик йўналишлари амалиётга жорий этилди.

Ўқув режасини, ишчи дастурларни тузишда бевосита иштирок этмоқда ва бу борада бизга қўмаклашяпти. Мисол учун, тўрт йил аввал талабаларнинг амалиёт машғулоти учун ажратилган дарс соатларининг ҳаммаси профессор-ўқитувчилар зиммасига юклатиларди. Икки йилдан бери ушбу соатларнинг 10-15 фоизи амалиётдаги мутахассисларга берилмоқда. Яқин орада бу кўрсаткични 60 фоизга етказишни режалаштирганмиз.

Олий таълим муассасаларида ўқшунинг асосий йўналиши бўлган таълим ҳар бир битирувчида "Биринчи иш кунини самардорлиги" деган тушунча бор. Бунда қўнлик, ҳафталик ишларини режалаштириб, шароитга тез мослашиб олиш назарда тутилган.

Бизда илгари битирувчилар диплом олгандан кейин ҳаёти қандай кечиши кўпчиликини унчалик ҳам қизиқтирмади. Қаерда ишлаши, нима фаолият билан шуғулланиши ёш мутахассиснинг ўзигагина тегишли бўлган муаммо саналарди.

Университетда икки йилдан буён битирувчилар учун иш бериувчилар иштирокида меҳнат ярмаркалари ташкил этиляпти. Битирувчиларимиз иш бериувчилар билан шу ернинг ўзиде шартнома тузишяпти. Ва албатта, бу ишларнинг мониторингини олиб борилади. Иш бериувчилар бизга мурожаат қилишда, ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришади. Шу асосда биз талабаларни қандай ўқитишимиз, нималарни ўйратишимиз ва қанақа мутахассислар тайёрлаб беришимиз кераклиги ҳақида янада аниқ тасаввурга эга бўламиз.

Сўнги йилларда халқаро миқёсда олиб бораётган ишларимиз ҳам ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда хоржилик ҳамкор олий таълим муассасалари сони 100 тадан ошди. Талабаларимиз ўзлари истаган чет тилларини ўрганиб, ҳамкорларимиз - Германия, Португалия, Япония, АҚШ, Корея ва бошқа

ривожланган мамлакатлардаги турдош олий ўқув юртлиларида ўқишнинг имкониятига эга бўлмоқда.

Бугунги кунда аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида юртимизга чет элдан катта миқдорда гўшт ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинади. Масалан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари. Лекин олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошира олсак, яқин келажакда Ўзбекистоннинг сифатли гўшт маҳсулотларини бутун дунёга импорт қилиш мумкин. Бу мақсад учун бизда имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Мутахассисларни шу мақсадда тайёрламоқдамиз. Бозордаги энг қиммат ва сифатли "Мрамор" категорияли гўшт қандай етиштирилади? Бу маҳсулотни тайёрлаш учун ҳайвонни қандай боқиб, озиклантириш ва парвартириш технологиясини билишимиз керак.

Фермалар ва хўжалиқларда боқиладиган қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг озик-овқат рационини тўғри ташкил қилиш ҳам сифатли гўшт етиштиришнинг асосий шартларидан биридир.

Йирик шохли қорамолларни оладиган бўлсак, гўшт учун боқиладиганининг рационини бошқа ва аксинча, сут учун боқиладиганининг рационини бутунлай бошқача бўлади.

Ветеринария соҳасида таълим жараёнларининг бевосита амалиёт билан уйғунлиқда ташкил этилишини, илмфан ва технологиялар интеграциясини таъминлаш мақсадида университет ҳузурида айни кунда хўжалик ҳисобиде фаолият юритувчи ветеринария клиникаси ва касалликлар диагностикаси технопарки қурилиши бошланди.

Янги ўқув йилидан университетда 13 та янги таълим йўналиши очилади. Жумладан, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини тўйимли ва сифатли озуқа билан таъминлаш мақсадида эндиликда ўсимликшунослик, ем-хашак агрономияси, чўл ўсимликларини ўрганиш йўналишлари бўйича мутахассислар

тайёрланади. Чорвачилик соҳаси учун бухгалтер ва иқтисодчиларнинг ҳам ўсимиз тайёрлаямиз.

Биотехнология мамлакатимиз учун нисбатан янги соҳа. Ўсимликшунослик биотехнологияси, ветеринария биотехнологияси, ишлаб чиқаришда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш биотехнологиялари бўйича мутахассислар ўқитилмоқда.

Университет шаклан кўп тармоқли олий таълим муассасаси ҳисобланади. Моддий-техник базамиз етарли, имконият бор, ўқув ва илмий лабораториялар талаб даражасида фаолият кўрсатмоқда.

Бу йил университет ўзининг биринчи қалдирғочлари - 600 нафардан зиёд битирувчиларини мустақил ҳаёт томон йўллади. Уларни ишга жойлаш бўйича дастлабки ишга тақсимлаш 90 фоиз амалга оширилди.

Битирувчиларимиз асосан Республика ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимидеги ташкилотлар, чорва ҳайвонларига ташхис қўйиш ва озик-овқат хавфсизлиги лабораториялари, чорвачиликка ихтисослашган кластерлар, хусусий ветеринария хизмати идораларида, фермер ва деҳқон хўжалиқлари ва кластерларда ишга жойлашмоқда.

Самарқандда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасида 90 йиллик мактаб бор. Бугунги кунда ана шу мактабнинг йирик вақиллари ва уларнинг шогирдлари Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетиде фаолият кўрсатмоқда. Янги методологиялар ва янги технологиялар билан яқин йилларда топ - 1000 талликча киришни режалаштирганмиз.

**Худайназар ЮНУСОВ,**  
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори, профессор.

## Чемпионликкача босиб ўтилган йўл

Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, жаҳон чемпиони совриндори, пастдарғомлик Ҳожиакбар ОЛИМОВ билан суҳбат



Ҳожиакбар, илк ғалабагизни эслаб оласизми ва у сизда қандай таассурот қолдирган?

- Албатта, эслаймиз, чамаси 10 ёшларда эдим. Ўзбекистон чемпионатида бронза медалини қўлга киритганман. 38 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, даст кўтаришда 30 килограмм, силтаб кўтариш машқида эса 45 килограмм тошни кўтаргандим. Ўшанда бувим учинчи ўринни олганимни эшитиб, кўзларига ёш олди. Чунки бу мен учун биринчи ютуқ ва жуда катта ғалаба бўлган. Шу ғалабадан сўнг вилоят, республика чемпионатларида иштирок этиб, доим медаль билан қайтишга ва бувимнинг юзини ёруғ қилишга ҳаракат қилардим.

- Ўзбекистон терма жамоасига қандай қабул қилингансиз?  
- Ўзбекистон терма жамоасига 2017 йил аъзо бўлганман. Албатта, бу осон бўлмаган. Чунки терма жамоага қабул қилинишнинг ўзига яраша талаблари бор. Шулардан келиб чиқиб, яъни бир неча марта Ўзбекистон чемпионатида ғолиб бўлганим ва спорт устаси макомини қўлга киритганим учун терма жамоага тақлиф қилинганман.

- Спортдаги энг катта ғалабангиз қайси?  
- Юқорида таъкидлаганимдек, илк мусобақа мен учун энг катта ғалаба бўлган. Яъни, Ўзбекистон чемпионатида учинчи ўринни қўлга киритганлигим. Чунки бу мусобақа менга ишонч, кейинги фаолиятим учун катта йўл очиб берди.

Бундан ташқари, 2019 йилда Шимолий Кореядаги Осиё чемпионатида 67 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, бронза медалига, 2020 йил Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионатида 81 килограмм вазн тоифасида ҳам бронза медалига эга бўлдим. 2021 йилда эса пойтахтимизда ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритдим.

Жорий йилда Грециянинг Ираклион шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасидеги жаҳон чемпионатида 89 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, силтаб кўтариш баҳсида 188 килограмм натижа билан кумуш медални қўлга киритдим. Яқинда эса пойтахтимизда ўтган Осиё чемпионатида эса даст кўтариш машқида

145 килограмм, силтаб кўтаришда 192 килограмм тошни буйсундириб, олтин ва кумуш медалга сазовор бўлдим.

- Машғулот жараёнидаги шахсий рекордингиз қанча?  
- Машғулотларда даст кўтаришда 155 килограмм, силтаб кўтаришда эса 195 килограмм натижага қайтганман.

- Кўриниб турибдики, машғулот билан чемпионатдаги рекордларингиз ўртасида бироз фарқ бор, бунини қандай изоҳлайсиз?  
- "Машғулотда қанча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади". Бунини широрага айлантганман. Ҳар бир чемпионат олдиндан тайёрларлик жараёнлари бўлади. Спортчи билан жараҳатлар доим ҳамроҳ бўлар экан. Машғулотларда кун сайин қийинчилик, турли хил жараҳатларга дуч келасиз. Баъзида мусобақаларда жараҳатлар билан чиқишга тўғри келади. Шу сабабдан машғулотдаги ҳисоблар билан мусобақадаги натижаларда фарқ бўлиши табиий. Кейин мусобақаларда вазиятдан келиб чиқишга таваккал қилинади.

- Ҳаётда сиз учун энг муҳим нарсани нима?  
- Спорт ҳаётимга айланган, ўзимни усиз тасаввур қилолмайман. Қачондир спортдаги фаолиятим тугаши мумкин, лекин мен учун спорт тугамайди. Қолаверса, юртимиз тинчлиги, оила-аъзоларимнинг бахтли яшаши мен учун энг муҳим нарса.


- Келажакдаги режаларингиз қандай?  
- Буюк мақсад сари улкан режаларни амалга оширишни ният қилганман. Жаҳон чемпионатида мутлақ ғолибликни қўлга киритмоқчиман. 2028 йилда АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтказиладиган олимпиада ўйинларида Руслан Нуриддинов ва Акбар Жўраевлар каби иштирок этиб, юртимиз шарафини оқсакларга кўтармоқчиман. Шунингдек, жаҳон ва олимпиада рекордини янгилаш ниятим бор. Яхши мураббий, тинимсиз меҳнат, ишонч, жасорат ва энг асосийси, кучли ирода - бу спортчининг асосий қуроли.

**Бехруз ШАМСИДИНОВ**  
суҳбатлашди.

## Profnavigator.uz платформаси нима беради?

Бугун халқ таълими ходимларнинг олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ўқувчиларни қизиқиши ва интилиши, қобилиятига қараб касб-хунарга тўғри йўналтиришдир. Бу борада соҳада олиб борилаётган ишларни қониқарли дейиш мумкинми? Шу ҳақда вилоят халқ таълими бошқармаси педагогик-психологик ташхис фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудири Самандар Ўтамуродов ўз фикрларини билдирди.

Ёшларга келгусида ҳаётда муносиб ўрнини топишда қўмаклашиш мақсадида вилоят бандлик бош бошқармаси ҳамда касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармалари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган, - дейди С.Ўтамуродов. - Ушбу ҳамкорлик асосида барча умумий ўрта таълим мактаблари, ҳудудий касб-хунар коллежлари, касб-хунар мактаблари ва техникумлар ҳамда "Ишга марҳамат" мономарказларида "Очиқ эшиклар кўни", ўқувчилар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида вилоятдаги нуфузли тадбиркорлар билан давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этилди.



Психологик-педагогик ташхислар, сўровномалар орқали ўқувчиларнинг касбий қобилияти, қизиқиши ва фанни ўзлаштиришга мойиллигини аниқлаш, уларнинг онгли равишда касб-хунар танлашларига қўмаклашиш, таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш учун ўқувчилар ва ота-оналарга тавсиялар бериш мақсадида суҳбатлар ўтказилди. 7-11

касбга йўналтириш ишларини ташкил этиб бориш ҳам режалаштирилган.

Маълумки, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давом сифатида мутахассисларнинг малака талаблари ҳам ўрганилиши лозим.

Мактаб амалиётчи психологларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш, соҳага доир янгиликлардан хабардор қилиш мақсадида "Psixolog Samarqand" канали ташкил этилган, - дейди С.Ўтамуродов. - Улар мунтазам равишда соҳага доир янгиликлар ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида хабардор қилиб беришмоқда.

Ҳозирги кунда жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган алоҳида таълимга эҳтиёжлари мавжуд ўқувчилар учун инклюзив таълимни ташкил этиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги 81-умумий ўрта таълим мактабиде инклюзив синф ташкил этилиб, унда 3 нафар ўқувчи соғлом болалар қаторида таълим-тарбия олиб олиб келмоқда. Ушбу умумий ўрта

таълим мактабиде инклюзив синфларни ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан ишлаб чиқилган махсус дастур асосида ўқитилди.

**Сулаймон МАРДИЕВ.**

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-289-сонли қарорига ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 17 августдаги 282-буйруғига асосан Самарқанд транспорт ва муҳандислик коммуникациялар техникумининг фаолияти тугатилмоқда.

Кўшимча маълумотлар учун Самарқанд вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Рудакий кўчаси, 237-уй.**

Жомбой тумани давлат хизматлари маркази томонидан 17.02.2022 йилда рўйхатга олинган "ЖОМБОЙ АГРО-ТЕХ ТОМОРҚА ХИЗМАТИ" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 309298058) устав фонди 900 000 000 (тўққиз юз миллион) сўмдан 7 000 000 (етти миллион) сўмга камайитирилатганини барча кредиторларга маълум қилди. Агар кредиторларнинг эътирозлари бўлса, газетда эълон чоп этилгандан сўнг бир ой ичида мурожаат қилишлари мумкин.  
**Манзил: Жомбой тумани Катта қишлоқ маҳалласи, Катта қишлоқ кўчаси, 190-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қурбонов Рустам Раҳимқулович нотариал идорасида марҳум Хатамов Шакиржонга (2012 йил 13 декабрда

вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қурбонов Рустам Раҳимқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 41/100-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қурбонов Рустам Раҳимқулович нотариал идорасида марҳум Обидов Толибжонга (2021 йил 3 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қурбонов Рустам Раҳимқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 41/100-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикулович нотариал идорасида марҳум Нурмамедов Маруфжон Шеровичга (2022 йил 23 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибқулович нотариал идорасида марҳум Шодмамедов Алим Хидировичга (2022 йил 14 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан

меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрайимиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Нуробод саноат касб-хунар коллежидан 2006 йилда Ғоффарова Манзура номига берилган рўйхат рақами 4253, К № 445385 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

У.А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ ўқув дастурига кўра 1999 йилда Ғоффарова Элинора Болтаева номига берилган № 007014 рақамли қайта тайёрлаш сертификати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ҳалим САИДОВ, филология фанлари доктори. Нилуфар НАМОЗОВА, филология фанлари номзоди.

XX аср аввалида Туркистонни мустабдлик исканжасидан қутқариш, халқни маърифатли қилиш, миллатни тараққий эттириш учун заҳмат чеккан, ўзбек журналистикаси, адабиёти ва санъати ривожига ҳисса қўшган бир қанча ижодкорларнинг адабий, публицистик фаолияти ўрганилмоқда, эҳтиром кўрсатилмоқда. Ҳожи Муин Шукруллаев (1883-1942) ана шундай ижодкорлар сирасига киради. У XX аср бошларида тарих саҳнасига чиққан Туркистон маърифатпарварлари, хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Муннаввар қори, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб яшади, умри ва иқтидорини миллат озодлиги, юрт равнақиға бағишлади.

# ҲОЖИ МУИН: МАТБУОТ БИР МИЛЛАТНИ УЙҒОТИШ УЧУН БИРИНЧИ ОМИЛДҲУР

Ҳожи Муиннинг шахси, ранг-баранг ижодий мероси, публицистикасининг аҳамияти, муҳаррирлик маҳорати, ташкилотчилиги, халқ маорифи йўлидаги фидойилиги, драматургия соҳасида эътиборга лойиқ асарлар яратгани замонасининг илғор фикрли зиёлиси эканидан далолат. Ҳожи Муин маърифатпарварлик фаолиятини Туркистон чор Россиясига қарам бўлган пайтда, "уйғониш", "интибоҳ" калималари тилга тушган, кўнгилларда умид туғилаётган бир фурсатда бошлади. Садриддин Айнийнинг ёзишича, бу даврда, яъни "1901 нчи йилда, умуман, Туркистон, билхосса Самарқанд бутун дунёдан хабарсиз, қоронғу бир зиндон каби эди. Халқ нодон, уламо мутаассиб, ҳукумат ниҳоят даражада гаддор ва зolim, машаити бузук, ахлоқи фасод эди. Шунунфта халқ ичида фикр киргузмак ва олами исломия учун мутағдид улум ва фунунга мутахассис дохийлар керак эди. Муҳаррирлар, муаллимлар, диний уламо, илми иқтисодий ва ижтимоий мутахассис одамлар, сиёсий эрлар лозим эди" ("Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1920 йил 8 апрель).

1901 йилда эски мактабда болаларни ўқитиш билан педагогик фаолиятини бошлаган Ҳожи Муин тез орада Бехбудий, Шакурӣ, Сиддиқӣ каби Самарқанд маърифатпарварлари сафига қўшилди. У 1903 йилда ўз маҳалласида "усули жаҳид" мактабини очди.

Ҳожи Муиннинг серкирра фаолиятида Бехбудийнинг таъсири ақвол сезилади. Ҳожи Муин Маҳмудхўжа Бехбудий билан 1903 йилда биринчи устози Сайидахмад Васлийнинг ҳужрасида танишади. Тараққий-парвар замондошларининг таъсири, давр матбуотини улзуксиз ўқиб бориши, дунё воқеаларидан хабардор бўлишга интилиши натижасида Ҳожи Муин ўз даврининг илғор фикрли зиёлиларидан бирига айланади.

"Матбуот бир миллатни уйғотиш учун биринчи омилдур", деган фикр Ҳожи Муинга тегишли. Биз унинг матбуотдаги илк чиқишини 1908 йилда "Туркистон вилоятининг газети" да чоп этилган "Янги асарлар" сарлавҳали хабари деб белгиладик. Ҳожи Муин унда устози Сайидахмад Васлийнинг нашр қилинган икки китоби ҳақида ёзади. Умуман Ҳожи Муиннинг китоблар ҳақидаги хабар тақризлари кўп мутолаа қилганини, шу билан бирга, маърифатни тарғиб этганини аниқлатади.

У журналистикага усули жаҳид мактабининг муаллими бўлиб иш юритаётган кезларида кириб келгани боис янги таълим муассасаларини қўпайтириш орқали авом орасида маърифат тарқатишга ургу беради: "... Ҳар миллатнинг тараққийси энг аввал мунтазам мактаблардан бошланадур... Тил ва миллий адабиёт, дин ва ахлоқ таълимининг ўрни мактаб бўлинидек, ҳаёт ва саодати башарнинг эшиги ёлғуз мактабдур".

Умуман олганда, таълим ва тарбия масаласи Ҳожи Муин публицистикасининг асосий мавзуси ҳисобланади. Ҳожи Муиннинг "Мактаб, муаллим, китоб", "Муаллимлар жамиятинда", "Самарқанда муаллимлар курси очилиши муносабати билан", "Дафтар, қалам, китоб", "Маориф ўчоқлари қурилмоқда", "Болалар боғчаси", "Мактаб ва маориф масаласи" каби мақолаларида мактаблар ташкил этиши, муаллимлар тайёрлаш, дарслик ва бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминлаш, ҳукуматнинг ёрдамидан ўз вақтида "истифода" этиш каби масалалар кўтарилган.

Инсон туғилиб вояга етиш жараёнида оила, мактаб ва атроф-муҳитнинг таъсирида бўлади. Улар узвий боғланган ҳолда улғаяётган гўдак онгида бир умрга сақланиб қоладиган одоб-ахлоқ меъёрларини шакллантиради. Ҳожи Муин "Оила тарбияси", "Адабсизлик сабаби ва унинг чораси" сарлавҳали мақолаларида мана шу уч тарбия ўчоғидаги ноқислик боланинг "адабсизлиги"га, бу эса оиланинг ва бутун миллатнинг таназзулига сабаб бўлишини тарихий мисоллар асосида очиб берган. Публицист таназул ва ўзгаларга қарам бўлиб қолишининг сабабларини оила тарбиясининг бузилиши, ахлоқсизлик ва илмсизлик деб кўрсатади. "Адабсизлик сабаби ва унинг чораси" сарлавҳали мақоласида халқнинг бундай ҳолга тушишига мансабдорлар айбдор эканлигини таъкидлайди: "... Агарда хонларимиз, улуғларимиз ва руҳонийларимиз ўз замонларидаги вазифаларини адо қилиб келсалар эди, биз мусулмонлар бу кунда мундай разил суратда жоҳил ва беадаб бўлиб қолмас эдик" ("Туркистон вилоятининг газети", 1913. 1 август). Беаёв танқид, чуқур таҳлилдан сўнг "...Бизлар то эркак ва қиз болаларимизни биргаликда тарбия этамуғна, бизлардан келажакда маъсуд оилалар етишмас", деган хулосага келади.

Ўз тарихини, ўзлигини билмаган миллатнинг истиқболи бўлмаслигини яхши билган жаҳид зиёлилари миллий тарих яратиш масаласини ўртага ташлаган эди. Туркистоннинг ўша пайтда рус олимлари ва уларга муте маҳаллий зиёлилар томонидан ёзилган тарихи маҳаллий халқларнинг миллий гуруҳини топташга қаратилган эди. Ҳожи Муин ҳам масаланинг мана шундай нозиклигини аниқлаб етди. 1914 йилда "Садои Туркистон" газетасида ушбу масала юзасидан қўйилган саволга жавобан Ҳожи Муиннинг "Миллий тарихимизни ким ёзар?" ("Садои Туркистон" газетаси, 1914. 1 июль) сарлавҳали мактуби чоп этилди. Мактуб муаллифи туркистонликлар учун муфассал ва муаллимлар учун мухтасар Туркистон тарихи кераклиги, уни ёзадиган кишининг тўрт — туркий, форсий, арабий ва русий тилларида "турк ва Туркистон ҳақида ёзилган эски ва янги китобларни тадқиқ ва татбиғ айлаб", сўнгра тарих битиши лозимлигини таъкидлаб, муаррихлар олдиға қатъий талаблар қўйган.

Журналистнинг вазифаси муаммони кўрсатиб бериш, эътиборсиз

қолса, уни яна эслаб туришидир. Публицист Ҳожи Муин ҳам мазкур масала ечимсиз қолганлиги сабабли мавзуга 1915 йилда яна қайтади. У "Ойна" журналида чоп этилган "Миллий тарих ҳақида" сарлавҳали мақоласида тарих ёзишни "туркистонийлар"нинг ўзларига ҳавола қилади. Бунинг учун жиддий ғайрат ва шижоат лозимлигини, барча зиёлилар бу ишға астойдил киришсалар, бирор натижаға эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Амалий ташаббус билан чиққан публицист халқ қалбида ифтихор ва гуруҳ ҳиссини уйғотадиган, қад ростлашға чорлайдиган тарих китобининг яратилишини орзу қилган эди.

Бехбудийнинг таъсири Ҳожи Муиннинг драматургик фаолиятида ҳам ақвол кўринади. "Ўзбек театри тарихи учун материаллар"ни ёзган М.Бузрук Солиҳов Ҳожи Муин Бехбудийнинг "яқин фикрдоши ва шоғирди" эканлигини ёзар экан, "Адабий ҳаётда Бехбудийнинг таъсири остида ва унинг гуруҳидан бўлиб боради. Айни замонда феврал инқилобидан бурунда энг кўп пьеса ёзган киши деб айта бўлади", дейди (М.Бузрук Солиҳов. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. — Т. ЎзССР Давлат нашриёти. 1935 й. 97-6.).

Ҳақиқатан ҳам Ҳожи Муин жаҳид драматурглари орасида энг самарали ижод қилган адиб. У "Эски мактаб, янги мактаб", "Кўкнори", "Мазлума хотин", "Маориф қурбонлари", "Жувонбозлик қурбонлари", "Бой ила хизматкор", "Қози ила муаллим" каби ўнлаб пьесалар муаллифи бўлиб, улр XX асрнинг 30-йилларигача Самарқанд, Каттакўрғон театрларида сахналаштириб келинган.

Ҳожи Муин 1918 йилдан матбуот ишларига шўнғиб кетган бўлса ҳам маорифдан узоқлашмади. Ўз публицистик мақолаларида таълимдаги муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқди, уни яхшилаш, юксалтириш йўлида тинимсиз ишлади. "Меҳнаткашлар товуши" газетасида чоп этилган хабарға кўра, маориф комиссарлигида Бехбудийнинг бегоблиги сабабли, бугунги тил билан айтганда, Халқ таълими вазирлиги вазифасини Ҳожи Муин бажарган ("Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1918 й. 11 июнь). Бирок маҳаллий халқ вакилларининг юқориқор лавозимларда ишлаши узоққа чўзилмас эди. Тез орада Бехбудийнинг истеъфо бергани тарихдан маълум (Маҳмудхўжа Бехбудий. Ташаккур ва эътироз // "Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1918 й. 27 август).

Ҳожи Муиннинг "Очиқ хат"и ("Туркистон" газетаси, 1923 й. 2 май) кейинчалик унга миллатчилик тамғасининг босилишиға сабаб бўлганлиги айтилади. Аслида унинг таъкибга учраши Туркистон мухториятининг эълон қилинганлиги ва унинг қонға ботирилишиға муносабати сабаб бошланган. Масалан, у "Большевиклар ва биз" мақоласида шундай ёзади: "Большевиклар иш бошиға ўтиб олган кунларда "Биз кичик миллатларға тамом ҳуррият ва истиқлол берамиз", деб хитобномалар воситасида ваъда қилган бўлсалар ҳам, бу қуруқ сўзлари қоғоз устидиға қолди. Булар ҳозирчаға ҳеч бир миллатнинг мухторият ва истиқлолини тасдиқ этмадилар, балки билъасқ, шундай мухторият ва истиқлолият эълон этган миллатларға тўп ва пулемут билан муқобала этдилар ва этмақадирлар. Мифрат сотсиализм маслакнида бўлгон большевикларнинг ўз маслакларини аниқл этмаган миллатларға ҳуррият ва истиқлол бермасликларини қўлиб бўлиб чиқди" ("Хуррият" газетаси, 1917 й. 1 январь).

"Яна мунинг устинда, — дейди публицист, — ўз мақсадларини большевикларға очикроқ аниқлашмак учун Туркистондаги бутун мусулмон солдат, ишчи ва деҳқонлар 25 декабрда Хўқандада фақуллода бир сиезд ясаб, сиезда ҳозир бўлгон 200 нафарча намояндалар ўтган тўртинчи мусулмонлар курултойи тарафиндан чиқарилгон қарорларни ҳақли топиб, Туркистон идора ва ҳокимиятининг дарҳол мухторият ҳукуматиға топширилмоғиға қарор чиқардилар.

Қани, энди кўрайлик! Бу сиездаға большевиклар қайси кўз билан қарайлар! Нима дерлар! Ҳар ҳолда большевиклар тек турмаслар. Бирор баҳона топиб, бизнинг тинчлигимизни бузарлар, деб гумон қиламан. Чунки буларнинг чин муддаолари хануз ҳосил бўлгон эмасдур. Шунинг учун бизларға керакким, бу тўғрида ҳар эҳтимолга қарши ҳозирлик кўрайлик. Тамом бирик билан куч йиғайлик. Ўз ҳуррият ва мухториятимизни сақламоқ учун мол ва жонимизни фидо этмакка ҳозир бўлиб турайлик".

Давр талотўларида бундай фикрни ёзиш учун журналистанд шижоат, қатъиятлик талаб этилади. Большевиклар ҳокимиятни эгаллагач, Ҳожи Муин ҳажвий публицистикаға ҳам мурожаат қилади. Унинг "Бой бўлмоқ йўллари", "Пора ва порахўрлик", "Охир замон аломатлари" каби кўплаб умумдемократик руҳда ёзилган фельетонлари "Хуррият" ва "Меҳнаткашлар товуши" газеталари меросхўри, лекин большевиклар сиесатиға бўйсундирилган "Зарафшон" газетасида чоп этилган. "Бой бўлмоқ йўллари" фельетонида публицист ҳукумат идораларидаги "халқ молидан закот олиб", бойиб бораётган кимсаларни танқид қилса, "Пора ва порахўрлик" фельетонида порахўрликни "билиттифок" ривожлантираётган порахўрларни ҳажв остиға олган. У "пора" сўзининг маъносини шундай изоҳлайди: "Пора "пору"дан муштафиқдур... Мана шунинг учун бизнинг шариятимиз пора емакни мусулмонларға ҳаром қилишдур. Бу поранинг луғавий маъноси бўлиб, илтиҳода пора виждонсиз "ходимал халқ"лар қошида она сутидан ҳам ҳалолроқ саналгон махсус бир ақча туридирким, буни еган киши оз кунда чўчкадек семирта, давлатида ҳам фақуллода баракот ҳосил бўлади".

Публицист порахўрларни шундай масхарали тасвирлар экан: "Порахўрлик иши зolim Николай замонида ёмон бир ҳолда эди. Ўзгаришдан

кейин ҳар иш "тараққий" қилгонидек, порахўрлик ҳунари ҳам яхшигина тараққий қилиб олди", дея большевиклар ҳукумати идораларидаги "ходимал халқ"ларни аччиқ киноя билан ҳушёрликка қақиради.

Ҳожи Муин бошқарувдан четлаштирилгандан кейин публицистикасида биографик характердаги мақолалар ёзиш салмоқли ўринини эгаллаган. Унинг "Маҳмудхўжа Бехбудий", "Сайидахмад Васлий", "Қози Калони шал", "Биринчи география муаллими", "Марҳум Шокир Мухторий", "25 йиллик хидмат" каби биографик характердаги мақола ва очерклар фикримизға далилдир. Олимпаримизнинг илмий ишларида, мақолаларида Ҳожи Муин ва Маҳмудхўжа Бехбудийнинг номлари биргаликда тилға олиниши кузатилади. Бу уларнинг фаолияти ҳамкорликда кечганлиги учунгина эмас, балки Ҳожи Муиннинг мақолалари Бехбудий адабий меросини ўрганишда энг ишончли манбалардан бўлгани учун ҳамдир. Туркистон жаҳидларининг маънавий отаси, тараққийпарвар ёшларнинг устози бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида ўша давр матбуотида қўллаб мақоладор, хотиралар чоп этилган. Лекин Бехбудийнинг номини, унинг хотирасини Ҳожи Муинчалик едға олган, номини абадийлаштириш учун қайғурган бошқа бир кишини учратмадик.

"Матбуот бир миллатни уйғотиш учун биринчи омил бўлгонидек, унинг тарихи ҳам уйғониш даври тарихининг муҳим бир бўлға саналадир" ("Зарафшон" газетаси. 1923 й. 5 май), деб билган Ҳожи Муин миллий журналистикамизға оид "Самарқанд матбуоти тарихи", "Самарқанда босмаҳона ва ерли матбуот ишлари", "Самарқанда матбуот аҳволи", "Ҳажвий журнал", "Тугалланиш йўлида" каби бир қанча мақолаларида ўша мураккаб давр тилсимларини тарих зарварақларига ҳужжат сифатида муҳрлаган.

Ўзбек миллий матбуотининг шаклланиши ва ривожланишида Ҳожи Муиннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У дастлаб "Меҳнаткашлар товуши" газетаси, кейинчалик "Таёк", "Машраб" журналларининг ташкилотчиси ҳамда муҳаррири бўлган. Ҳожи Муин муҳаррирликни, яъни газета ва журнални бошқаришдаги илк тажрибани "Ойна" журнали ва "Хуррият" газетасида ишлаган чоғида орттирган. Унинг ўз ишиға масъулият билан ёндашишини кўрган Бехбудий 1914 йилда сафарга отланганида "Ойна" журнали муҳаррирлигини Ҳожи Муинға юклаб кетади. "Хуррият" газетасиға раҳбарлик қилган Абдурауф Фитрат сафарда бўлган пайтларда тахририят бошқарувини Ҳожи Муин ибн Шукруллоға топширгани ҳам ҳужжатларда сақланган.

Ҳожи Муиннинг кўркмас ва шижоатли журналист сифатида фаолият юритгани у раҳбарлик қилган нашрлар мазмуни, шунингдек, публицистик асарлари орқали бизчаға етиб келди. Туркистон мухторияти эълон қилинганч, мустамлакачи босқинчилар фитнаси қотилликларидан ҳавотирға тушган халқ руҳиятидаги қарахатлик фурсатида Ҳожи Муин томонидан билдирилган қуйидаги фикрға эътибор берсангиз, бунга яна бир бор амин бўласиз:

"Бизлар ҳеч кимға ҳушомадўйлик қилмаймиз ва ҳеч кимдан кўркмаймиз. Бизлар виждон ва номусимизни пулға сотмаймиз. Бизнинг дўстимиз ва машўқимиз ёлғиз ҳақиқат бўлгонлиги учун ҳақиқат ва тўғриликдан бошқа ҳеч кимни риоя этмаймиз. Тўғрилик йўлида бўхтон, ҳибс ва ҳатто, ўлимдан ҳам кўркмаймиз. Тўғрилик ва муқаддас маслаккимиз йўлида қурбон бўлмоқни ўзимиз учун бир шараф деб биламиз" ("Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1919 й. 23 январь).

Ҳожи Муиннинг вафоти 1942 йил дея кўрсатилиши сабаб баъзилар уни қатагонға учрамаган, дея ҳисоблайдилар. Ҳақиқат шунки, у ҳам 1937 йили бошқа ойдинлар қатори ҳибсға олинди. 1938 йилда ўн йилға қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ватанидан йироқда, озодликдан маҳрум муҳитда ҳасталаниб, вафот этди. У ўз ҳаётини таҳликаға солиб бўлса-да, юрт ва халқ манфаати учун курашган зиёлиларимиздандир.

"Янги Ўзбекистон" газетаси, 2022 йил 22 июль, 123-сонидан олинди).

# Балласт моддалари

ОШҚОЗОН-ИЧАК УЧУН ФОЙДАЛИ


Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги ва экспертизаси соҳасида илмий фаолият олиб борувчи мутахассислар озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини кимёвий таркиб асосида баҳолашда "балласт моддалари" деган атамадан фойдалана бошладди.

Хўш, балласт моддалари нимани аниқлатади? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида балласт атамасиға қуйидагича таъриф берилган: "балласт (гол. Ва 1-қум, last - юк). Кемалар, аэростат, локомотив ва ҳоказоларнинг ҳаракатланиш сифатини ёқи учиш баланглигини ростлаш учун уларға ортиладиган юк. Кераксиз, ортиқча юк, даҳмаза".

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини баҳолаш билан боғлиқ илмий адабиётларда балласт моддалари атамасиға бериладиган таъриф эса қуйидагича: "балласт моддалари - бу ўсимлик маҳсулотларида бўладиган ва инсон организмда ҳазм бўлмайдиган озукабоб толарадир".

Келтирилган таърифларни қисий тавсифласак, иккаласида ҳам "кераксиз" деган сўз мавжуд. Ҳақиқатан ҳам балласт моддалари инсон организмни учун фойдасизми? Уларнинг гуруҳиға қандай моддалар киради?

Овқатланиш соҳасида иш олиб борувчи мутахассислар



балласт моддалари гуруҳиға клетчатка, гемицеллюлоза, пектин моддалари, альгинатлар ва лигнин сингари моддаларни киритадилар. Уларнинг асосий манбаи эса ҳеч қандай қулинария ишлови берилмаган сархил мевалар, сабзавотлар ва дон маҳсулотлари (ёрма, дағал тортилган ундан тайёрланган бугдой ва жавдар нонлари, соя дуккағи ва бошқалар) деб изоҳланади.

Ўсимликлар таркибида клетчатка кўп бўлиб, ҳужайра деворининг асосини ташкил қилади. Мева ва сабзавотларда клетчатка миқдори уларнинг тури, нави ва пишиб етилганлик даражасиға қараб белгиланади.

Узоқ йиллар мобайнида, ҳатто фанда ҳам балласт моддалариға инсон организмда ҳазм бўлмаганлиги сабабли фойдасиз модда сифатида қаралган. Кейинги йилларда бажарилган илмий-тадқиқот ишлари эса балласт моддалар организмда ҳазм бўлмас-да, инсон ҳаётида муҳим роль ўйнашини кўрсатиб берди.

Балласт моддаларнинг овқат таркибида бўлиши инсонда овқатға тўйганлик сезгини ҳосил қилиб, сурункали ошқозон-ичак касалликларининг олдини олади ва уларнинг нормал иш фаолиятини таъминлайди. Бундан ташқари, балласт моддалардан тиббиётда даволоччи восита сифатида фойдаланиш мумкинлиги борасида ҳам илмий асосланган фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, инсон ҳар кун 30 грамм балласт моддаларини истеъмол қилиши мақсадға мувофиқ. Шундан 15-20 грамм дон маҳсулотлари истеъмол қилишиға тўғри келади. Қолганлари эса ҳўл мева ва сабзавотлар истеъмол қилиниши керак.

Рўзбйой НОРМАХМАТОВ, СамИСИ профессори, техника фанлари доктори, Акрам ҒАФУРОВ, катта ўқитувчи.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 373 nusxada chop etildi. Buyurtma 589. Hajmi 2 bosma taqob, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00 Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: D.TO'XTAYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. ISSN-201667X 9 1772010 667009